

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY MUHOZIRATI
№ 18

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
17 май
ЧОРШАНБА
№ 38
(11.841)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий ўқув юртлири талабаларининг «Нихол — 2006» театр санъати фестивали очилди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси марказий кенгаши ҳамкорликда ташкил этди.

Мамлакатимизда улғайиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама етув ва баркамол, миллий кадриятларининг ва истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш Президентимиз Ислам Каримов юрифтаги сўбатининг устувор йўналишларидандир. Бу борада жамиятимизнинг турли жаҳалари, жумладан таълим тизимида кенг қўлмали ишлар амалга ошириляпти.

Мақсуд фестивалда юртимизнинг турли олий ўқув юртлири, шу билан бирга Қирғизистон Республикаси Ўз давлат университети талабаларидан иборат йигирма билар жамоа иштирок этаяпти.

Фестиваль Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари ижодий жамоасининг «Бир ижара хангомаси» спектакли билан бошланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ.



ВИЛОЯТ ШАЪНИНИ БАЛАНД ТУТГАНЛАР

Вилоят ҳокимлигида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари республика финал босқичида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.


Вилоятимиз спортининг эртанги кунига умид ва ишонч уйғотаётган ёш спортчи-ўқувчиларимизни рағбатлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган бу тадбирда терма жамоамиз муваффақиятига катта ҳисса қўшган мураббийлар, халқ таълими мутасаддилари ҳамда ёш умидли спортчилар иштирок этишди.

— Ушбу мусобақаларда иштирок этиб, олтин медал билан тақдирланган деб ўйламаган эдим, — деди стол тенниси бўйича вакилимиз

Айнура Иброҳимова. — Ўз галабам билан жамоамиз муваффақиятига ҳисса қўшганимдан хурсандман. Бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, барча шароитларни яратиб берганлиги учун вилоят ҳокимлигига ўз миннатдорчилигимизни билдирдим.

Ҳали ва совриндорлар ҳамда жонқуяр мураббийлар фахрий ёрлик, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Отабек ЭЛТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.



СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Даврон АХМАД олган суратлар.

Ҳамкорлик робиталари

Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш юзасидан яхши ташаббус билан чиқди. Бошқарма бошлиғи Фарҳод Тошметов билан суҳбатимиз ана шу ташаббусдан қўзланган мақсад ҳусусида бўлди.

КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА ЖИПСЛАШУВ

— Ҳамкорлик ришталарини ўрнатилишида қандай мақсадлар кўзда тутилган?

— Энг асосий мақсадимиз, тадбиркорлар олдидаги тўсиқларни олиб ташлаш, икки мамлакат ўртасидаги бизнес алоқаларини янада ривожлантириш, — деди у. — Ишбилармон доиралар манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги тажрибаларни ўртоқлашиш, палаталарнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлигига тааллуқли маълумотларни ўрганиш, турли иқтисодий йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш қарар олинган. Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳалар, режалар ҳақидаги маълумотлар, иқтисодий хавфсиз бизнесни таъминлаш, маҳсулотларни экспортга йўналтириш ва стандартлаштириш

каби йўналишларга алоҳида аҳамият берилаяпти. Ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш, турли тадбирлар, кўргазмалар, ярмаркалар ўтказиш назарда тутилган.

— Шериклар билан расмий учрашувлар ҳамда Россия делегациясининг мамлакатимизга ташриф буюриши чоғида эришилган натижалар ҳусусида тўхталсангиз.

— Шундай учрашувлардан энг муҳими Россия нефть-газ саноатчилари уюшмаси кенгаши раиси Юрий Шафраник бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташриф чоғида уюштирилди. Делегация таркибиде Россия Федерацияси минтақаларининг вакиллари, шунингдек, саноат корхона-

(Давоми 2-бетда).

Фуқаролар йиғинларида сайлов

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

— Ҳой, Ҳалимаҳон қизим, турақолинг. Лақирларингизни тезроқ тўлдириб олмасангиз, ҳализамон сув тўхтаб қолади.

— Ўғлим, чой қўяй десак, сув йўқ. Оғироеқ келинга айтганимиз банисага тушиб, сув обкелинг деб...

Саҳармардондами, қоқ пешиндами, шом кезими Ҳабиб Нўмон кўчасидан ўтиб қолсангиз, ҳовилардан юқоридаги сингари гапсузлар қулоғингизга қалинади. Негаки, водопроводда сув ҳаммаша ҳам бўлавермайди, кўпинча ундан сув ўрнига вишиллаб ҳаво чиқади. Неча йилки, ён кўчалардаги хонадонларда ҳам аҳвол шундай.

— Муржаат қилмаган идорамиз қолмади, — деди Зангиота туманидаги Қатортол қишлоғининг Янгиобод маҳалласи ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан меҳнат фахрийси Қодирбек Одилов. — Шу аҳволда кунда-кунора ичимлик сув таъминоти идорасининг одамлари келади пул тўланг деб. Хайронман, ҳақ сувга тўланадими, ёки қран оғзидан чиқувчи вишиллаган

ҳавога?

— Тўғри, сув йил давомида уч ой оқса-оқади, бўлмаса йўқ, — қувватлади вакил Мусабек Бўрибеков. — Кўп айтганимиз, ҳақини шунга қараб белгиланг — тўлайлик деб. Алфасида, бу масала ҳам халқ қилинмаяпти. Мана ҳозир оқсоқолингиз ҳисоботида ҳам эшитдик, коммунал хизматлар учун қарздорлик кўп. Лекин тақлифга ҳам қулоқ солиш, масалани ёчиш керак-да.

— Сув, газ таъминотидаги муаммолар бугуннинг гапи эмас, — деди йиғилишда сўзга чиққан Маҳмудхон Тожихонов. — Лекин, бу муаммо ечимини топмай қолиб кетаяпти. Мен бошқа яна бир гапни айтмоқчиман. Ҳабиб Нўмон кўчаси кенгайтирилганида қурувчиларнинг айби билан бетон ариқлар эрнинг паст-баландлиги ҳисобга олинмасдан, шовмашоварлик билан ўрнатиб кетилган. Мана ҳозир сув тошиб, катта йўл бўйлаб оқиб ётади. Натижада кўп жойларда асфальт чўкиб, йўл путурдан кетаяпти. Уч-

(Давоми 2-бетда).

Шу куннинг гапи

ОБУНА БЎЛГИМ КЕЛАДИ, АММО...

Хизмат сафари билан тоғли Лашкеракка йўлимиз тушганида, аввало қишлоқ кексаларининг суҳбатини оламиз. Саксондан ашган пиру бадавлат Абдуназар ота ва Зулайхо аяни бу гал уйлари ёнида шарқираб оқабган сой бўйида, неваралари даврасида учратдик. Отанинг қўлида бизнинг нашр — «Тошкент ҳақиқати»нинг янги сони. Кўзойнагини дам-бадам кўтариб қўйганича, ниманидир ўқияпти.




ХОТИРА ТУРНИРИ

Ўртачирчиқ туманидаги Олим Аширов номидаги марказий ўйингоҳда халқро тоифадаги ҳакам, спорт устаси марҳум Акбарали Тошматовнинг хотирасига бағишлаб мусобақа ўтказилди.




ҲАМШИРАЛАР ТАНЛОВИ

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган мақсуд тадбирдан қўзланган мақсуд — туманда фаолият кўрсатаётган ҳамширалар малакасини ошириш, улар орасидан иқтидор эгаларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Х.Эргашева.



КИТОБХОН ЭҲТИРОМИ

Бекобод тумани марказий кутубхонасида «Ҳеч кимни унутмас халқ эҳтироми» деб номланган китоб кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Озод Шарофиддинов ҳамда Мухаммад Юсуфнинг асарлари ўрин эгаллади.



ХАМШИРАЛАР ТАНЛОВИ

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган мақсуд тадбирдан қўзланган мақсуд — туманда фаолият кўрсатаётган ҳамширалар малакасини ошириш, улар орасидан иқтидор эгаларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Х.Эргашева.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик робиталари

КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА ЖИПСЛАШУВ

лари, транспорт, коммуникация, озиқ-овқат, гўшт-сут саноати, ёқилғи-энергетика, молия соҳалари ва бошқа бир қатор йирик корхоналар, хусусан, «Союзнефтьгаз», «Промтрактор», «Зарубежнефтьгаз», «Рангли ипаклар» очик турдаги акциядорлик жамиятлари, «САРЭК» илмий корхонаси, П. Н. Лебедев номи физика институтининг Астрокомос маркази, «Внешэкономбанк», «Промстройбанк», С. В. Ильошин номи авиация мажмуаси, «РОСНО» сугурта компанияси, Энгелс троллейбус заводи раҳбарлари бор эди.

нинг кўшма мажлисида икки ўртада савдо алоқаларини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифалари муҳокама қилинди. Мажлисда сўзга чиққанлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар йилдан йилга мустахкамлашиб бораётгани, ўзаро алоқаларни ривожлантиришда янги босқич бошланганини алоҳида таъкидладилар.

Форум кунлари Юқоричирик туманидан «Мирзашавкатбек» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шавкат Миралиев билан Кострома области Савдо-саноат палатаси раҳбари Владимир Орлов учрашуви чоғида Россиядан брезент ишлаб чиқариш ускуналарини келтириш, Ўзбекистондан эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Кострома областига етказиб бериш юзасидан келишиб олинди.

«Охангорцемент» акциядорлик жамияти Россиянинг «Волк металл» ёпиқ ҳиссадорлик жамияти билан сармоляр киритилиши бўйича битимлар имзолади. Бўстонлик туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги Бийск кимё заводи билан минерал ўғит масаласида ҳамкорлик қилишга қарор қилди. Бийск шаҳридаги «Гайзер» заводи раҳбариятига «Ўзинг ясаб ол» хусусий корхонасининг иши маъқул келиб, биргаликда ишлаш масаласида фикрлашиб олинди. Келишувга мувофиқ, Бийск шаҳридан ёғоч-тахта олиб келиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш масалалари ҳал этилди. Форумнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ҳамкорлик доирасида Олтой республикасида савдо уйи очилмаган бўлди.

10 ЙИЛЛИК КЎРГАЗМА

Пойтахтдаги «Узэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Нефть ва газ» (OGU 2006) халқаро кўргазмаси ҳамда конференцияси ўз ишнини бошлади.



Унинг марта ташкил этилаётган ушбу кўргазмага асос солинганидан буён унда жаҳоннинг 35 мамлакатидан қарийб 700 та компания қатнашди. Ўзбекистон ва қўшни давлатлардан 50 мингдан зиёд киши таъриф буюрди. Мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган бу кўргазма маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ютуқларини намойиш этибгина қолмай, у Ўзбекистон нефть-газ тармоғини янада ривожлантириш механизмига ҳам айланади.

ОБУНА БЎЛГИМ КЕЛАДИ, АММО...

Бу йилги кўргазма нефть ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, геофизик хизматлар, лойиҳавий изланишлар, қурилиш ишлари, инжиниринг ва консалтинг, дастурий таъминот каби бўлимлардан иборат. Унда 15 мамлакатдан қарийб 120 та компания қатнашмоқда. Ўзбекистон номидан «Узбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси, «BARS CCC», «Zolner», «Neftgazkipavtomatika», «Zeromax GmbH» каби компаниялар иштирок этаёпти. Шунингдек, кўргазма доирасида «ХИ асрининг Ипак йўли: нефть-газ шўбасининг Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясидаги аҳамияти» мавзусидаги халқаро кўргазма бўлиб ўтиши кутилмоқда. Хуррият МУМИНОВА.

«Ташкентская правда» 4402 та нусхада чоп этилди. Бугунга келиб эса, чоп этилаётган ҳар икки газета 8500 нусхага яқин!

Айтиш мумкинки, қатор шахар ва туманларда мавсумга лоқайдлик билан ёндошилди. Натيجада белгиланган тadbирлар ихросиз қолди.

Камчиликларни бартараф этиш юзасидан шахар ҳокимлигининг тadbирлари ишлаб чиқилди. Шу асосда меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида тарғибот ва ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент тиббиёт академиясида дерматология ва венерологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари, шифокорлари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда тожикистонлик мутахассислар ҳам иштирок этиди.

«Экосан» халқаро ташкилотининг навбатдаги фаоллар йиғилиши «Экология ва саломатлик кунлари»нинг 1-босқичи яқунлари ҳамда 2-босқичнинг мақсад ва вазифаларига бағишланди.

«Экосан» халқаро ташкилотининг навбатдаги фаоллар йиғилиши «Экология ва саломатлик кунлари»нинг 1-босқичи яқунлари ҳамда 2-босқичнинг мақсад ва вазифаларига бағишланди.

НАВБАТДА ИККИНЧИ БОСҚИЧ

Аҳолига қулай шароитлар яратиш, жойларда санитария-гигиена меъёрлари ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш тартиб-қоидаларига оғишмай амал қилинишини таъминлаш мақсадида «Экология ва саломатлик кунлари» уч босқичда ўтказилиб келинмоқда. Унинг 1-босқичида саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, қишлоқ хўжалик ташкилотлари, ўқув юртлари жамоалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, аҳоли иштирок этиди. Экологик вазият мураккаброқ минтақалар аҳолиси ва ижтимоий объектларга «Экосан» саломатлик поездлари орқали хомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Бундай кўмақдан вилоятимизнинг қатор қишлоқ туманлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлди.

«Экосан» халқаро ташкилотининг навбатдаги фаоллар йиғилиши «Экология ва саломатлик кунлари»нинг 1-босқичи яқунлари ҳамда 2-босқичнинг мақсад ва вазифаларига бағишланди.

Фуқаролар йиғинларида сайлов

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

тўрт киши бўлиб, тўғрилаб қўйилган десак, бетон плиталарни қўзғатиш мушкул.

Вакиллар йиғилиши маҳалла оқсоқоли Одижон Туроповнинг ҳисоботини шу тариқа қизғин муҳокама қилди. Янгиобод — қишлоқда кейинги ўттиз йил мобайнида шаклланиган маҳаллалардан. Шунга яраша иш кўламини ҳам кўп. Маҳалла оқсоқоли, фаоллар янги маҳалла муаммоларини ҳал этиш учун тинмай изланишяпти. Маънавий тарбия, оилалардаги тотувликни мустаҳкамлаш, ёшлар билан ишлаш ҳамма шай эътиборда.

Касаначилик



БЕШИКЧИЛАР СУЛОЛАСИ

Республика Президенти соврини учун «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтаётган кунлар эди. Тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўзлари ишлаб чиқарётган маҳсулотларини намойиш этишди. Томошабинлар уларни қизиқиш билан кўздан кечиран экан, бешик, беланчак ва кроватлар ҳеч қим қўл теккизмасида, тинимсиз тебраниб турарди.

Бундан ташқари, «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтаётган кунлар эди. Тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўзлари ишлаб чиқарётган маҳсулотларини намойиш этишди. Томошабинлар уларни қизиқиш билан кўздан кечиран экан, бешик, беланчак ва кроватлар ҳеч қим қўл теккизмасида, тинимсиз тебраниб турарди.

қаватли ётоқ кровати, бошқа ўндан ортиқ уй жиҳозлари тайёрланмоқда. Бу йил туманда бўлиб ўтган «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг хунармандлар ўртасидаги беллашув голиблигини қўлга киритган Асилбоевлар сулоласининг бешикчи авлоди отабоблари ишнини давом эттирмоқда. Бешик, кроват ва беланчаларни ясаши ҳам ўзлаштирилганки, бу харидорларга ҳам маъқул бўлмоқда. Бу ишга бош бўлган сулола вакилиси Сабоҳат Ҳисомиддинова шундай дейди:

«Ташкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

«Ташкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

«Ташкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

Table with 7 columns: T/p, Суд ижрочилиси бўлими, Транспорт воситасининг русуми, Ишлаб чиқарилган йили, Давлат рақами, Техник ҳолати, Бошлангич баҳоси, Кимосиди белгиланган сана.

Кимосиди савдосида қатнашиш истагини билдирган шахслар эълонда кўрсатилган шахар суд ижрочилари бўлимларига, кимосиди савдоси ўтказилишига 3 кун қолганга қадар ариза билан мурожаат қилиб, савдога қўйилган автотранспорт воситасининг бошлангич нарҳидан 10 фоиз миқдорда тўловни амалга ошириши лозим.

